



Куръони Каримнинг инсонларни хидоятга чорловчи бир китоб экани Бакара сурасининг 2-,3-,4-оятларида айтиб ўтилади:

«Ушбу Китоб (Куръон) шубхадан холи ва (у шундай) такводорлар учун хидоят (манбаи)дирким, улар (Мухаммад (алайхиссалом) келтирган хабарларга) гойибона иймон келтирадиган, намозни баркамол ўқийдиган ва Биз ризк килиб берган нарсалардан (садака ва) эхсон киладиганлардир. Яна улар Сиз (Мухаммад)га ва сиздан илгари (ўтган пайгамбарларга) нозил килинган нарса (илохий китоб ва саҳифалар)га иймон келтирадиган ҳамда охират (киёмат куни)га катъий ишонадиганлардир».

Ушбу оятлар Куръони Карим инсониятга берган буюк хакикатлар руҳини, асосини ифодалайди. Аллохга иймон келтирган холда яшашни истаганлар нима килиши лозимлигини кўрсатади. Хар қандай шубхадан узок бўлган бу китобнинг инсонларга эътикод ва амалда йўл кўрсатувчи экани билдиради. Бундай кишилар Аллохга лозим бўлган тартибда ишонадилар, гайбга иймон келтирадилар. Гайбга иймон келтириш Аллохга, охиратга иймон келтиришдир. У Аллохнинг тавҳид йўлидирки, бу Ихлос сураси ва Оятал курсида кўрсатилганидек Аллохни таниш йўлидир.

Ихлос сурасининг 1-,2-,3-,4-оятларида Аллох таоло хабибига:

«Эй (Мухаммад!) Айтинг: «У Аллох ягонадир. Аллох эҳтиёжсиз, (лекин) хожатбарордир. У тугмаган ва тугилмаган ҳам. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир»», – дейди.

Оятал курсида эса (Бакара сурасининг 255-ояти):

«Аллох – Ундан ўзга илох йўқдир (У хамиша) тирик ва абадий турувчидир. Уни на мудрок тутар ва на уйку. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурда (киёмат куни) ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг руҳсатисиз шафоат қилмас. (У) улардан (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсаларни билур. (Одамлар)

Унинг илмидан факат (У) истаган микдорича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (хам) ўз ичига сигдирур. У иккисини тутиб туриш Уни толикгирмас. У олий ва буюк Зотдир», – деб мархамат килинади.

Гайбга ишонишда Бакара сурасининг 285-ояти каримасида:

«Пайгамбар (Мухаммад) ўзига Парвардигоридан нозил килинган нарсага (оятларга) иймон келтирди ва мўминлар хам. (Уларнинг) хар бири Аллохга, фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига, бирортасини ажратмасдан, (хаммасига) иймон келтирди. «Эшитдик ва итоат этдик. Эй Роббимиз, мағфиратингни (сўраймиз). Кайтишлик факат Сенинг хузуринггадир», – деб мархамат килинадики, бу иймоннинг асоси бўлган «Аманту биллахи ва малаикатиhi ва кутубиhi ва русулиhi»нинг рухини ташкил этади. Иймон келтирганлар мана шу сурада келтирилганидек Аллохга ишонадилар. Кўз илгамайдиган, гайбга оид бўлган фаришталарга ишонадилар. Яхшилик ва ёмонлик Аллохдан эканига, охират кунига ишонадилар.

Бакара сурасининг 4-оятида билдирилганидек:

«Яна улар Сиз (Мухаммад)га ва сиздан илгари (ўтган пайгамбарларга) нозил килинган нарса (илохий китоб ва саҳифалар)га иймон келтирадиган хамда охират (киёмат куни)га катъий ишонадиганлардир», – дейилади.

Ушбу суранинг Ислом асосларини инсонларга етказишда иккинчи жихати амалий жихат бўлиб, Аллохга иймон келтирганлар намоз ўқишини, Аллох уларга берган ризқдан бошқаларга хам эхсон килишини билдиради. Бу билан ушбу оятлар Ислом дини эътикод ва амалга асосланишини билдиради. Куръони Карим асосида яшашни истаганлар мана шундай эътикодда бўладилар, намозларига эътиборсизлик килмай, Аллох таоло уларга берган ризқдан бошқаларга хам эхсон киладилар.

Куръони Каримга иймон доимо солих амал билан кўрсатилади, факат иймон келтирган кишигина солих амал килиши мумкинлиги билдирилади. Хақикий иймон ерга экилган уруғ сингари калбларга экилгани сари инсонни солих амалларга ундайди. Солих амалли кишилар мана шу иймондан куч олиб намоз ўқийдилар, рўза тутадилар. Исломнинг беш фарзини адо этадилар. Аллохнинг ўзларига берган ризқидан бошқаларни хам ризклантирадилар. Бу фарзлар ер юзидаги барча инсонларни эътикодга чорловчи фарзлардир. Куръони Карим инсонларни гайб оламига тааллуқли бўлган бу асосларни ва унга ишонганларга солих амалларни ўргатади. Шак-шубҳасиз, хидоят раҳбари бўлган Куръони Каримга ишонилади, у билан хақиқатга эришилади. Бу оятларда билдирилган эътикод оркали инсон Аллохни танийди, фаришталарга, охиратга, пайгамбарларга ва уларга юборилган китобларга ишонади. Амалда хам Куръони Каримнинг инсонларга ахлокий йўлда билдирган амрини бажо келтириб, ахлокка зид бўлган нахий(кайтарик)лардан кочади. Бу йўл ва эътикод оркали инсоният энг улуг туйгулар билан юксалиб, яхши амаллар билан Хакка убудият йўлини тутган, халкка хизмат килган бўлади. Куръони Карим инсонларнинг хакка ва халкка нисбатан вазифаларини билдириб, инсонларни нажотга чакиради.